

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Бобомуродов Миржалол Йўлчи ўғли

Тошкент давлат аграр университети талабаси,

Илмий маслахатчи: дотцент, Х.Хушвақтов

Ўзбекистон раҳбарияти бугунги кунда ер-сув ресурсларини бошқариш ва ундан фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. “Сув ресурслари чекланган минтақамизда деҳқончилик қилиш, мўл ва сифатли ҳосил олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини сиз, шу соҳанинг моҳир усталари жуда яхши биласиз”⁵, - деб таъкидлайди, Президент Ш.М.Мирзиёев қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда. Суғориладиган ерларнинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш каби вазифалар муҳим масалага айланган. Мазкур вазифаларни ҳал қилиш учун эса сув хўжалиги билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини илмий асосда ўрганиш ва тегишли хулосаларга келиш талаб қилинади.

Мамлакатимизда халқ хўжалигини ривожлантириш учун нафақат саноатда, балки қишлоқ хўжалигида ҳам модернизация ишларини давр талаби даражасида такомиллаштириш кўзда тутилди. Бу борада аввало, тўпроқ унумдорлигини ошириш, сўзориш объектларининг ҳолатини яхшилаш, уларни замонавий технология ва усқуналар билан таъминлаш, чорва молларининг сифат даражасига эътибор кучайтирилди. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами сўзориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, унинг деярли 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Сўзориладиган ерларнинг 23фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган чопиқ тракторларининг 55 фоизидан кўпроги ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг қарийб 46 фоизидан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётганлиги, уларнинг қуввати, иш унуми ва ёқилги истеъмол қилиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермай қолган.

Юртбошимиз бундай салбий ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларга қисқа вақт ичида барҳам бериш зарурлигини таъкидлаган эди: “Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, иш жараёни самарадорлигини ва пировард

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2018, 22 май.

натижаларга эришишни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммолар ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим. Биринчидан, бизни боқадиган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса, энг аввало сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ишларини устувор мақсад деб қарашимиз шарт. Иккинчидан, қишлоқ хўжаликни замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак. Агар лозим бўлса, уларнинг техника, ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар билан арзонроқ, имтиёзли тарзда таъминлашимиз зарур”².

Мамлакатда аграр муносабатларни давлат томонидан тартибга солиши ва самарали бошқарув тизимини яратиши долзарб масалага айланди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самарадорлигини ошириши, шунингдек мазкур соҳада мавжуд номутносибликларни давлатнинг аралашувисиз бартараф этиши осон эмас эди. Иқтисодий ўзгаришлар жараёни кўп жиҳатдан республикада мулкдорлар қатламини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиши билан боғлиқдир. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришига эътибор кучайтирилди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали, деб таъкидлаган эди биринчи президентимиз И.Каримов, биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустақкам бўлиб боришига эришмоқдамиз

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг кўламини янада кенгайтириш мақсадида бу соҳада замонавий сўғориш тизимлари ва энергияни тежасайдиган технологиялардан фойдаланишига, тупроқ унумдорлигини оширишига қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилди. 2008-2012 йилларда мамлакатимизда сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530,2 километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 59 миллиард сўмдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда 586,6 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларида, 9 та мелиоратив насос станцияларида, 627 та мелиорация қудуқлари ва бошқа бир қатор мелиорация объектларида тиклаш ишлари бажарилиши натижасида 1 миллион гектар сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 300 минг гектар майдонда сизот сувлар сатҳи пасайтирилди³. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар сўғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер

² Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.-Т.: “Ўзбекистон”, 1994. 8 – бет.

³ Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари тўғрисида. Халқ сўзи, 2011 йил 8 ноябрь.

ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди⁴.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2009 йилларда 801,5 минг АҚШ доллари қийматидаги 21 та лойиҳа амалга оширилиб, шулардан чет эл инвестициялари ҳисобига киритилган маблағ 560,4 минг долларни ташкил этган. Амалга оширилган бундай кенг қамровли тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги бирмунча ошди, фермер хўжаликларининг даромадини кўпайтириш имконияти кенгайди⁵. Ҳозирги пайтда инвестициялар аграр соҳада сифат ўзгаришларининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мазкур соҳа тармоқларининг самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. 2010 йили республика раҳбарининг ташаббуси билан Украина ва Полша давлатларидан олиб келинган, интенсив технологиялар асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос, шафтоли кўчатлари, асосан Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг фермер хўжаликлари майдонларига экилди. 2011 йилдан бошлаб мевали боғларнинг ҳар бир гектаридан 50 – 70 центнергача ҳосил олишга эришилди. Натижада бундай боғларни йилдан йилга кенгайтириш, уларни деҳқон фермер хўжаликларида барпо этиш мақсадида чора – тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Республикамиз ҳудудида жами 5,3 минг гектар, жумладан Самарқанд вилояти ҳудудида 1300, Тошкент вилоятида 1000, Навоий вилоятида 750, Қашқадарё вилоятида 600, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятларида 400 гектардан ортиқ майдонда мана шундай интенсив боғлар барпо қилинган. Ҳозирда етиштирилаётган мевалар, нафақат қўшни мамлакатларга балки Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Шундай қилиб, аграр сектор тармоқларида олиб борилган техник ва технологик янгиланишлар, мунтазам такомиллаштирилиб борилаётган модернизация жараёнлари қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Фан ва техника янгиликларидан мунтазам хабардор бўлиб туриш ва улардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш аграр соҳа вакилларининг долзарб вазифасига айланди.

⁴ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон овози, 2014 йил, 18-январь.

⁵ Сангиров Р. Мустақил Ўзбекистоннинг аграр сиёсати: ютуқлар ва муаммолар. –Тошкент: “MERIYUS” ХМНК, 2013. 44-бет.